Мовароуннахрда хоразмшохлар давлати гуллаб-яшнаган ва кудрати ўсган бир даврда Чингизхон бошчилигидаги кўчманчи мўгул ва турк кабилалари иттифоки кучайди. У Хитойга хужум килиб, унинг анчагина ерини босиб хам олди. Бу минтакадаги мўгуллар ва турклар хеч кандай динга эътикод килишмас эди. Уларнинг баъзилари ота-боболари рухига сигиниб юришар, айримлари бутга топинар, учинчилари хайвонларни мукаддас санаб, уларга "ибодат" килишар, колганлар юлдуз ва сайёралардан мадад сўрашар эди. Хаммалари шаман ва афсунгарларга богланишган бўлиб, озчиликкина насроний, мусулмон ёки буддавий эди. Мусулмонларга карши жанг килавериб холдан тойган салибчилар мўгуллар боскинини Ислом дунёсига йўллаб кўйишдан манфаатдор эди. Насронийлар жангари мўгулларнинг Ислом билан шарафланиб, шу туфайли мусулмонлар кувватланишидан хавфсирашар эди. Ўша пайтда турклар билан хам шу холат содир бўлган эди: улар Исломга кириб, мусулмонлар ўрдусини кучайтириб юборишди ва насронийларга карши аёвсиз жанг килишди. Бу каби хатога йўл кўймаслик ва вайрон килувчи улкан кучни мусулмон тамаддунини яксон килишга йўналтириб юбориш учун мўгуллар ўлкасига миссионерлар юборилди. Улар мўгулларнинг хукмдор доиралари ўртасида насронийликни фаол таргиб кила бошлашди.
Миссионерлар таъсир ўтказиш учун кўпрок мўгул хукмдорлари оила аъзоларини насронийлаштиришга зўр беришарди. Улар хатто мўгул хукмдорларига насроний динидаги аёлларни хотинликка беришар эди. Масалан, Чингизхоннинг хотини насронийликни кабул килган татар хоними эди. Хукмдорнинг учинчи ўгли Угедей хам насроний аёлга уйланган эди. Угедейнинг ўгли Куюкхон насронийлар таъсирига тушиб колган бўлса, унинг тогаси Чигатой Исломнинг ашаддий душмани эди. Халокухон (Хулогу) хам насроний динидаги аёл билан турмуш курган эди. Ана шу аёл кейинчалик уни Ирок ва Шомни ер билан яксон килишга рухлантирди. Халокунинг ўгли Абакахон Византия императори кизига уйланган эди. Мусулмон тамаддунини йўкотишдан буддавийлар хам манфаатдор эдилар.
Хижрий 606 йили Фаргона, Шош ва Косонда хоразмшох Алоуддин Мухаммаднинг мўгуллар билан илк тўкнашувлари бўлди. Кўчманчиларнинг бу ўлкага хужуми 615 йилгача давом этди. Лекин шундан кейин Чингизхон чегарадош минтакаларда икки томонлама эркин савдо килиш худудлари ташкил этиш таклифи билан Хоразм шохига элчилар жўнатди. Алоуддин Мухаммад бу таклифни кабул килди ва Мовароуннахрга мўгул савдогарлари кела бошлашди.
Лекин вилоят хокими савдогарлар келгани хакида шохга хабар берганида у хаммасини ўлдириш ва молларини тортиб олишни буюрди. Хоразм шохи юртига бостириб кирган мўгуллардан шу тарика ўч олмокчи бўлган эди. У аслида Чингизхон билан шартномасини

бузиб кўйганди. Кейинчалик, шох мўгулларнинг куч-имкониятларидан вокиф бўлгач, ўз килмишидан каттик афсусланди, аммо энди кеч эди. Чингизхон унинг ўзини ва мамлакатини йўк килиб юбориши хакида мактуб жўнатди. Бундан газабланган Алоуддин мўгул элчиларидан бирини катл килдирди, бошкасига Чингизга карши уруш эълон килгани хабарини етказишни юклади.
Хоразм шохи шундан кейин Туркистонга юриш килди ва ўша ердаги кишлоклардан бирига хужум уюштириб, кўплаб ахолини ўлдирди, аёлларни асир олди. Мўгуллар бу боскиндан хабар топиб, хоразмшох ўрдусини кувиб етишди. Каттик жанг бўлса-да, бирор томон голиб бўлолмади. Бухорога кайтган Алоуддин Мухаммад кудратли душман билан тўкнашув олдида турганини англади ва ялпи сафарбарлик эълон килди.
Мўгул лашкарлари хоразмшох ерларига бостириб кирди, шох эса негадир ўз ўрдусини асосий жанг майдонига эмас, турли шахарларга жойлаштира бошлади. Мўгуллар хоразмликларнинг таркок кўшинларини яксон килиб, шахарларни бирин-кетин осонгина эгаллай бошлашди. Биринчи бўлиб кўчманчилар хамласига Бухоро дуч келди. Уни босиб олган мўгуллар тинч ахолига нисбатан аввалда сира кўрилмаган вахшийликларни килишди, йўлларида учраган хамма нарсани бузиб-янчишди. Кейин улар Самаркандга караб юришди, аммо шахар ахолиси мўгулларга каршилик кўрсатди. Шунда мўгуллар харбий хийлага ўтишди: улар худди кочаётгандай шахардан узоклашишди, бундан рухланган самаркандликлар шахар ташкарисигача чикишди ва олдиндан тайёрлаб кўйилган пистирмага тушиб, халок бўлишди. Мўгуллар шахарга кириб, худди Бухородагидай вахшийликлар килишди.
Самарканд таслим бўлганидан кейин мўгулларнинг икки юз минг кишилик ўрдуси хоразмшох Алоуддин Мухаммадни таъкиб кила бошлади. У Хазар (Каспий) денгизидаги ороллардан бирига яширинди ва хижрий 620 йили ўша ерда вафот этди. Шу орада мўгуллар Мозандарон, Рай, Хамадонни эгаллашди, у ерлардан Озарбойжон ва Гуржистонга караб юришди. Кофкозортидан ўтиб, Дарбанд шахрига етишди ва Кофкоз тогларини четлаб, булгорлар ўлкасигача боришди. Аммо булгорлардан какшатгич зарба еб, чекинишга мажбур бўлишди.
Чингизхоннинг ўзи Самаркандда колиб, кўшиннинг бир кисмини Термиз ва Фаргонага жўнатди. Бу шахарларни босиб олган мўгуллар катлиом уюштириб, кўплаб тинч ахолини кириб ташлашди. Шундан кейин Чингизхон ўгиллари бошчилигидаги катта бир ўрдуни яна Хоразмга юборди. Бошка бир кўшин эса Балхга жўнатилди. Аммо Балх ахолиси жангсиз таслим бўлди. Толиконда мўгуллар каттик каршиликка учраб, шахарни ташлаб чикишга мажбур бўлишди. Шунда Чингизхоннинг ўзи кўмондонликни зиммасига олди ва бу калъани эгаллади. Шундан кейин бирин-кетин Марв, Нишопур, Хирот, Тус ва Газна мўгулларга таслим бўлди.

Ойдин Ориф ўгли АЛИЗОДА,
Озарбойжон Фанлар академияси шаркшунослик институти катта илмий ходими,
фалсафа фанлари номзоди

Манбалар:

1. Али Заде А. "Хроника мусульманских государств", Москва, "Умма", 2004 г. стр. 374-377.
2. Шакир М. "История Ислама от Адама до наших дней", т. 2, Стамбул, 1993 г.
3. Босворт К. Э. "Мусульманские династии", Москва, 1971 г.